

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

11-сон
(95)
2004 й.
март

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Олий Мажлиснинг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Иккинчи бўлим

125. «Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш тузиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 13 мартдаги Ф-1924-сон Фармойиши
126. «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 16 мартдаги ПФ-3407-сон Фармони

Учинчи бўлим

127. «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 12 мартдаги 121-сон қарори
128. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 17 мартдаги 126-сон қарори

129. «Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 18 мартдаги 131-сон қарори

Бешинчи бўлим

130. «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қодаларини тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2003 йил 19 декабрдаги 359-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 15 мартда 1323-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
131. «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 15 январдаги 15, 2004-12-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 15 мартда 1238-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
132. «Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 13 январдаги 11, 2004-10-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 15 мартда 1324-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
133. «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 15 январдаги 16, 2004-13-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 15 мартда 1325-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
134. «Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 1 мартдаги 249-В, 01-02/19-16-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 мартда 1326-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
135. «Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини жойлаштириш, муомалада бўлиши ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 24 январдаги 26, 244-В-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 мартда 1327-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)
136. «Суғурталовчиларнинг активлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2004 йил

19 январдаги 18-сон буйруғи. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 мартда 1328-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

137. «Нефть маҳсулотларини етказиб бериш, сотиш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомни давлат реестридан чиқариш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирининг 2004 йил 16 мартдаги 63-мх-сон буйруғи. (*2004 йил 16 мартда давлат реестридан чиқарилди*)

138. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлар режасига қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 15 февралдаги 3/8-сон қарори. (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 16 мартда 773-16-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2004 йил 13 мартдан 19 мартгача бўлган маълумот

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОЙИШИ

125 Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш тузиш тўғрисида

Ижтимоий йўналтирилган ривожланган бозор иқтисодиётига эга ҳуқуқий демократик давлат, кучли фуқаролик жамияти барпо этишга қаратилган давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш соҳасидаги ислохотларни янада чуқурлаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) тузилсин.

2. Кенгашнинг таркиби, Кенгаш тўғрисидаги низом 1*, 2-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

3. Кенгаш фаолиятининг асосий вазифалари ва йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

давлат ва жамият қурилишини, суд-ҳуқуқ тизимини демократик янгилаш соҳасидаги ҳуқуқий майдонни шакллантириш жараёнини танқидий таҳлил этиш; давлат ва жамият қурилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар ва мақсадли вазифаларни ҳисобга олган ҳолда қонун ижодкорлиги ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш;

қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган давлат ва вакиллик органларининг, ташкилот ва муассасаларнинг, шунингдек илмий жамоатчиликнинг қонун ижодкорлиги фаолияти ҳамда давлат ва жамият қурилишини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш соҳасида уларнинг тўлақонлиги ва уйғунлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини демократлаштириш ва шакллантириш жараёнини чуқурлаштириш шароитларида суд ҳокимиятини ислоҳ қилишдаги фаолиятларини мувофиқлаштириш, саъй-ҳаракатларини бирлаштириш;

ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши соҳасидаги камчиликлар («оқ доғлар»)ни аниқлаш; давлат ва жамият қурилишининг аниқ муаммоларини ҳал этиш учун зарур бўлган қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, қонун ижодкорлиги фаолиятида такрорийлик, параллелликни истисно этувчи тизимлилик ва изчилликни таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси норма ва қоидаларининг қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда амалга оширилиши тўлиқлигининг мониторинги; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янги қоидаларини тўла амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни қабул қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

* 1-илова берилмайди.

мамлакат қонунчилигида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари устуворлигини ҳамда инсон ҳуқуқларининг бирламчилигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари (нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари)ни янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришни, фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувида бевосита ва самарали иштирок этишини таъминлайдиган қонунларни қабул қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган қонун билан тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини юксалтириш юзасидан тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 20 августдаги Ф-1828-сон Фармойиши билан тасдиқланган Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини ривожлантириш ва такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчиси хизмати тўғрисидаги низомга ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, унинг янги таҳрири 3-иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Хизматнинг энг муҳим вазифалари этиб қуйидагилар белгилансин:

ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга очиқ демократик давлатнинг шакллантирилишини, Ўзбекистоннинг фуқаролик жамияти барпо этиш йўлида олға томон изчил ҳаракатини таъминлайдиган самарали ҳуқуқий базани яратиш бўйича тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш. Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини мунтазам («умумийликдан хусусийликка» тамойили асосида) ривожлантириш ва эволюцион тарзда такомиллаштиришни таъминлаш; ижтимоий тараққиёт, давлат қурилиши ва суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш соҳасидаги мақсадли вазифаларни ҳисобга олган ҳолда қонун ижодкорлиги ишларининг концептуал асосларини, устувор йўналишларини белгилаш;

қонунларни қабул қилиш, қонунчилик базасини шакллантириш ва такомиллаштириш жараёнига таъсир этувчи қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган субъектлар, давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар ва муассасалар, шунингдек илмий жамоатчилик билан доимий ҳамкорлик алоқаларини таъминлаш;

мамлакат парламенти мажлисларининг кун тартибини шакллантириш босқичида ҳам, қонун лойиҳаларини кўриб чиқиш, муҳокама қилиш ва қабул қилиш жараёнларида ҳам Олий Мажлис, унинг хизматлари ва бўлинмалари билан яқиндан ҳамкорликни ташкил қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қабул қилган қонунларни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолаш учун тайёрлаш;

Олий Мажлиснинг икки палатали тизимини шакллантириш давомида, мамлакат қонун чиқарувчи олий органининг қўмиталари ва бошқа ишчи тузилмаларини шакллантиришда иштирок этиш, парламентнинг барқарор, уйғунлашган фаолиятини ташкил этишда зарур ёрдам кўрсатиш;

Президент девонининг бошқа хизматларига юридик ҳамда ҳуқуқий соҳада ташкилий-ҳуқуқий, маслаҳат ёрдамлари кўрсатиш;

ижтимоий ҳаёт ва давлат тузилишининг турли соҳаларини ривожлантириш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини яратишдаги илғор хорижий мамлакатларнинг тажрибасини чуқур таҳлил этиш, қонун ижодкорлиги, ҳуқуқнинг қўлланилиши фаолиятида ана шу тажрибадан самарали фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

* 3-илова берилмайди.

ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатни янгилаш вазибаларини ҳисобга олган ҳолда юридик фан ва таълимни ривожлантириш, аҳолининг ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини ошириш дастурларини шакллантириш ҳамда амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш ишининг самарадорлигини таъминлаш, Кенгаш томонидан қабул қилинган қарорларни амалга ошириш.

5. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат-ҳуқуқий, суд тизимини такомиллаштириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий онгини ошириш масалалари бўйича Кенгаш тузиш тўғрисида» 2001 йил 12 ноябрдаги Ф—1471-сон Фармойиши;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Қонунчилик ва суд ҳокимияти органлари билан алоқалар бўйича экспертлар гуруҳини Мамлакатни ислоҳ қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш масалалари бўйича Давлат маслаҳатчисининг хизмати этиб қайта ташкил қилиш тўғрисида» 2003 йил 20 августдаги Ф—1828-сон Фармойишининг 3-банди.

6. Ушбу Фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Б. Мирбобоев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 13 март,
Ф—1924-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2004 йил 13 мартдаги
Ф—1924-сон Фармойишига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузурида Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгаш тўғрисида НИЗОМ

И. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилиш бўйича кенгашнинг (бундан буён матнда Кенгаш деб юритилади) фаолиятини тартибга солиди.

2. Кенгашга давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизимининг қонунчилик асосларини ислоҳ қилишга қаратилган асослантирилган таклифларни ишлаб чиқиш юклатилади.

3. Кенгаш ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишлари ҳамда ушбу Низом асосида амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

II. Кенгашнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари

4. Қўйидагилар Кенгашнинг асосий вазифалари ва фаолияти йўналишлари ҳисобланади:

давлат ва жамият қурилишини, суд-ҳуқуқ тизимини демократик янгилаш соҳасидаги ҳуқуқий майдонни шакллантириш жараёнини танқидий таҳлил этиш; давлат ва жамият қурилиши, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштириш соҳасидаги устувор йўналишлар ва мақсадли вазифаларни ҳисобга олган ҳолда қонун ижодкорлиги ишларининг самарадорлигини ошириш бўйича аниқ таклифлар тайёрлаш;

қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган давлат ва вакиллик органларининг, ташкилот ва муассасаларнинг, шунингдек илмий жамоатчиликнинг қонун ижодкорлиги фаолияти ҳамда давлат ва жамият қурилишини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, уларнинг тўлақонлиги ва уйғунлигини таъминлаш, фуқаролик жамиятини демократлаштириш ҳамда шакллантириш жараёнини чуқурлаштириш шароитларида суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш соҳасидаги фаолиятларини мувофиқлаштириш, саъй-ҳаракатларини бирлаштириш;

ислохотларнинг ҳуқуқий жиҳатдан таъминланиши соҳасидаги камчиликлар («оқ доғлар»)ни аниқлаш; давлат ва жамият қурилишининг аниқ муаммоларини ҳал этиш учун зарур бўлган қонунлар, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиш, қонун ижодкорлиги фаолиятида такрорийлик, параллелликни истисно этувчи тизимлик ва изчилликни таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқиш;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси норма ва қоидаларининг қонунлар, норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда амалга оширилиши тўлиқлигининг мониторинги; Ўзбекистон Республикаси Конституцияси янги қоидаларини тўла амалга ошириш учун зарур бўлган қонунларни қабул қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

мамлакат қонунчилигида халқаро ҳуқуқнинг умум эътироф этилган принциплари ва нормалари устуворлигини ҳамда инсон ҳуқуқларининг бирламчилигини таъминлаш, фуқаролик жамияти институтлари (нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари)ни янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштиришни, фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий фаоллигини ошириш, уларнинг давлат ва жамият бошқарувида бевосита ва самарали иштирок этишини таъминлайдиган қонунларни қабул қилиш бўйича таклифлар тайёрлаш;

оммавий ахборот воситаларининг фаолиятини, уларнинг ҳақиқий мустақиллигини таъминлашга йўналтирилган қонун билан тартибга солишни такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрлаш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти, ҳуқуқий онгини юксалтириш юзасидан тадбирлар мажмуини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.

III. Кенгашнинг ваколатлари

5. Кенгаш:

амалдаги қонун ҳужжатларини чуқур таҳлил этилишини ташкил қилади ва қонунлар ҳамда бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тайёрлаш дастурларини қабул қилиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқади; қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлган давлат ва вакиллик органларининг, ташкилот ва муассасаларнинг қонун ижодкорлиги ҳамда давлат ва жамият қурилишини норматив-ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш, суд ҳокимиятини ислоҳ қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштиришни амалга оширади;

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси нормаларининг Ўзбекистон Респуб-

ликаси қонунчилигида амалга оширилиши мониторингини ташкил этади, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси принциплари ва нормаларининг тўла амалга оширилиши учун зарур бўлган қонунларни ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни босқичма-босқич, изчил қабул қилиш бўйича таклифлар ишлаб чиқади;

илғор хорижий мамлакатларнинг давлат ва жамият қурилиши, суд-ҳуқуқ тизими соҳасидаги қонунчиликни ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш бўйича тажрибасини чуқур таҳлил қилиш асосида унинг Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига тадбиқ этилиши масалаларини кўради;

фуқаролик жамияти институтлари (нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари)ни ривожлантириш, фуқароларнинг ижтимоий, сиёсий фаоллигини ошириш, аҳолининг давлат ва жамият бошқарувида самарали иштирок этишини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш бўйича таклифларни кўриб чиқади ва тайёрлайди;

шахснинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилинишини, давлат-ҳуқуқий, суд соҳасида инсонпарварлик ва одиллик принципларини изчил амалга оширилишини кафолатлайдиган қонунларни тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқади;

жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик қилади, аҳолининг, айниқса ёшларнинг, ҳуқуқий маданияти ва ҳуқуқий онгини оширишга қаратилган тадбирларнинг амалга оширилишини мувофиқлаштиради;

ҳуқуқ соҳасидаги илмий тадқиқотларнинг самарадорлигини ошириш, илмий жамоаларнинг давлат-ҳуқуқий ва суд тизимини такомиллаштириш борасидаги долзарб муаммоларни ҳал қилишга, қонунчилик ва ҳуқуқнинг қўлланилиши амалиётида илмий изланишларнинг натижаларидан самарали фойдаланишда кўмаклашишга, миллий ҳуқуқ мактабини шакллантиришга қаратилган саъй-ҳаракатларини сафарбар этиш бўйича таклифлар тайёрлайди.

6. Кенгаш қуйидаги ҳуқуқларга эга:

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, суд органлари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ва мансабдор шахслардан Кенгаш олдида турган вазифаларни ҳал этиш учун зарур бўлган ахборот ва материалларни белгиланган тартибда талаб қилиш ҳамда олиш;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва бошқа ижроия ҳокимият органларининг маълумотлар банкидан белгиланган тартибда фойдаланиш;

кенгашга юклатилган айрим вазифаларни амалга ошириш учун ишчи гуруҳлари ва комиссиялари тузиш, уларда иштирок этиш учун олимлар ва амалиётчи-мутахассисларни жалб этиш.

IV. Кенгаш ишини ташкил этиш

7. Кенгаш унинг раиси, раис ўринбосари, котиби ва аъзоларидан иборат тартибда тузилади.

8. Кенгаш раиси унинг фаолиятига раҳбарликни амалга оширади ва Кенгашга юклатилган вазифаларнинг бажарилиши учун масъулдир.

9. Кенгашнинг фаолияти қарорлар қабул қилишда тенг ҳуқуқлилик ва коллегиялик принципларига асосланади.

10. Кенгаш мажлислари унинг ваколати доирасига кирувчи масалаларнинг тайёрлик даражасига кўра, лекин камида йил чорагида бир марта ўтказилади.

11. Кенгаш мажлиси унда Кенгаш аъзоларининг оддий кўпчилиги иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Кенгаш мажлисида Кенгаш раиси ва котиби томонидан имзоланадиган баённома юритилади.

12. Кенгаш фаолиятининг асосий йўналишлари бўйича, шунингдек тадбирлар дастурига киритиладиган масалаларни тайёрлаш учун унинг аъзолари таркибидан ишчи гуруҳлари тузилиши мумкин. Ишчи гуруҳлари фаолиятининг йўналишлари ва таркиби Кенгаш қарори билан тасдиқланади.

13. Кенгаш фаолияти билан боғлиқ ташкилий масалаларни ҳал қилиш, Кенгаш иши ҳақидаги маърузаларни кўриб чиқиш учун Ўзбекистон Республикаси Президентига тақдим этиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг Мамлакатни ислох қилиш ва янгилашнинг ҳуқуқий базасини ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш масалалари бўйича давлат маслаҳатчисининг хизмати томонидан амалга оширилади.

14. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарорига биноан қайта ташкил этилиши ёки тугатилиши мумкин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

126 Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида

Мамлакатимизда эркин демократик жамият барпо этиш йўлида амалга оширилаётган ўзгариш ва ютуқларни, миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳиятини кино санъати воситасида бадиий акс эттириш, кинематография соҳасининг халқимиз ҳаётидаги, айниқса, ёшлар тарбиясидаги ўрни ва таъсирини кучайтириш, ғоявий-бадиий савиясини ошириш, уни ҳозирги замон талаблари асосида янада такомиллаштириш мақсадида:

1. «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компанияси, Ўзбекистон киноарбоблари бирлашмаси, Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компаниясини «Ўзбеккино» Миллий агентлиги этиб қайта ташкил қилиш тўғрисидаги таклифлари маъқуллансин.

2. Қуйидагилар «Ўзбеккино» Миллий агентлигининг асосий вазифалари этиб белгилансин:

кино санъатининг миллий маданиятни ривожлантириш, жамият маънавий ҳаётини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бу соҳани умумбашарий ва миллий кадриятлар уйғунлиги асосида тараққий эттиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

кино санъатида, кино-видеофаолият соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш; кинематография соҳасида фаолият кўрсатаётган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва киностудияларни, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

миллий кино санъатининг энг яхши анъаналарини изчил давом эттириш ва бойитиш мақсадида иқтидорли ёш кинематографчиларни тарбиялаш, уларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат фильмлар фонди фаолиятини бугунги кун талаблари негизда ташкил этиш;

кинофильмлар яратиш ва уларни намойиш этиш тизимини танловлар ташкил этиш орқали такомиллаштириш ва қайта техник жиҳозлаш, аҳолига кино-видео хизмат кўрсатиш даражасини ошириш;

муаллифлик ҳуқуқлари ҳимояланган кино ва видео маҳсулотларини ноқонуний равишда республика ҳудудига олиб киришга, улардан фойдаланиш, ижарага бериш ва тарқатишга қарши зарур чоралар кўриш;

импорт ва экспорт қилинадиган кино ва видео маҳсулотларига эксперт баҳоси берилишини амалга ошириш, республика ҳудудига кино ва видеофильмлар кўрсатиш ва улардан техник жиҳатдан фойдаланишнинг қоидаларини белгилаш;

кинематография соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, миллий кино маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш, хорижий кино ишлаб чиқарувчи ташкилот ва кино ижодкорлар билан алоқаларни кенгайтириш, миллий кино санъатини халқаро кинофестивалларда намойиш этиш.

3. «Қорақалпоқкино» давлат-акциядорлик компанияси «Қорақалпоқкино» агентлиги этиб ҳамда «Кино-видео» ҳудудий акциядорлик бирлашмалари «Ўзбеккино» Миллий агентлиги тегишли ҳудудий бўлимлари этиб қайта ташкил қилинсин.

4. Белгилаб қўйилсинки:

кино ва видеомаҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш, сотиш ва прокат бўйича фаолият турларига лицензиялар бериш, уларнинг амал қилишини тугатиш ва бекор қилиш тўғрисидаги қарорлар Республика «Маънавият ва маърифат» Кенгашининг ҳулосасига биноан Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинади;

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги Вазирлар Маҳкамасининг лицензиялаш соҳасидаги ишчи органи вазифасини бажаради.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1996 йил 29 апрелдаги «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компаниясини ташкил этиш тўғрисида»ги ПФ-1427-сон Фармони ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддат ичида мазкур Фармонни бажариш юзасидан тегишли қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 16 март,
ПФ-3407-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

127 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 2003 йил 23 декабрдаги ПФ–3367-сон Фармонига мувофиқ Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 12 март,
121-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 12 мартдаги 121-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Айрим корхоналар ва мол-мулкни давлат тасаруфидан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг баъзи масалалари тўғрисида» 1995 йил 4 декабрдаги 448-сон қарорига 1-илова III бўлимининг 8-банди биринчи хатбошининг иккинчи жумласи чиқариб ташлансин.

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Бизнес-фонд»нинг хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга доир ташаббуси тўғрисида» 1996 йил 9 июлдаги 240-сон қарорига:

а) қарорнинг номи «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш тўғрисида» деб аталсин;

б) муқаддимадаги «Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Хорижий инвестициялар ва хорижий инвесторларнинг фаолияти кафолатлари тўғрисида» сўзлари «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида», «Чет эл инвестициялари тўғрисида» ва «Чет эллик инвесторлар ҳуқуқларининг кафолатлари ва уларни ҳимоя қилиш чоралари тўғрисида» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 1-банддаги «Бизнес-фонд» ва» ҳамда «қўшма» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 2-бандда:

«а» кичик банд чиқариб ташлансин;

Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2004 й.

охирги хатбошидан «ёки «Бизнес-фонд» кредитлари» сўзлари чиқариб ташлансин;

д) 3 ва 4-бандлар, шунингдек қарорга илова ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

е) 9-банддаги «Бизнес-фонднинг» сўзлари «Осиё-Европа траст компанияси» шўъба корхонасининг» сўзлари билан алмаштирилсин.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш тизими фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 1997 йил 19 сентябрдаги 446-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1997 й., 9-сон, 32-модда) 5-бандидаги «Меҳнат вазирлиги, Хорижий инвестициялар бўйича агентлик, Бизнес-фонд, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, «Ўзулгуржибиржасавдо» уюшмаси» сўзлари «Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси фаолиятини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 21 апрелдаги 166-сон қарорида:

а) муқаддимадан «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-бандда:

учинчи хатбошидаги «ва ўрта» ҳамда «Бизнес-фонд» сўзлари чиқариб ташлансин;

тўртинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин;

бешинчи хатбоши қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«Ўздадбиркорбанк» Бошқаруви раиси лавозимига кўра Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси раисининг ўринбосари ҳисобланади, «Ўздадбиркорбанк» вилоят бўлимларининг бошлиқлари эса — Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар ҳудудий палатаси бошқаруви раисининг ўринбосарлари ҳисобланадилар»;

в) 9-банддаги «Бизнес-фонд» ҳамда «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин;

г) 1-иловада:

«Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга кўмаклашиш маркази блокидан «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин;

«Бизнес-фонд» блоки чиқариб ташлансин;

д) 2-илованинг тўртинчи хатбошидаги «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин;

е) 2а-иловадаги «Раис ўринбосари, Бизнес-фонд раиси» ва «Бизнес-фонд» блоклари чиқариб ташлансин, Хорижий инвестицияларни жалб қилиш ва уларнинг мониторинги бошқармаси ҳамда Бизнес-режаларни, техник-иқтисодий асослашларни ишлаб чиқиш ва экспертизадан ўтказиш бошқармаси Палата раисининг биринчи ўринбосарига бўйсундирилсин.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш механизмини такомиллаштириш тўғрисида» 1998 йил 27 майдаги 232-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1998 й., 5-сон, 20-модда):

а) 7-банд қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Белгилаб қўйилсинки, фермер ва деҳқон хўжаликлари томонидан хорижий кредит линияси бўйича гаровни суғурталаш юзасидан суғурта муқофотининг 50 фоизи суғурта компанияларига Фермер ва деҳқон хўжалиklarини қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан тўланиши керак.

Бюджетдан ташқари жамғармалар ҳар чорақда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига хорижий кредит линиялари бўйича лойиҳаларни амалга ошириш билан боғлиқ маблағларнинг ҳаракати тўғрисида ҳисобот тақдим этадилар»;

б) 2-иловада:

«Кичик бизнесни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш бўйича вазифалари» устунининг учинчи позициясидаги «Бизнес-фонд» сўзлари чиқариб ташлансин;

бешинчи позициядаги «Органнинг номи» устуни қуйидаги тахрирда баён қилинсин:

«Бюджетдан ташқари жамғармалар»;

в) 3-иловада:

11-банднинг бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

16-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжаликларини маблағ билан таъминлаш, моддий-техник таъминлаш, уларга божхона имтиёзлари бериш, банк хизматлари кўрсатиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2001 йил 10 сентябрдаги 366-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2001 й., 9-сон, 52-модда):

а) 1-бандда:

биринчи хатбошидаги «Хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш жамғармаси» сўзлари чиқариб ташлансин;

учинчи хатбошидаги «Бизнес-фонд»нинг давлат мулкани хусусийлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобига шакллантириладиган кредит ресурсларининг камида 50 фоизи, шунингдек» ҳамда «микрофирмалар ва кичик корхоналар» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 3-банд ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

в) 5-банддаги «Бизнес-фонд ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

7. Вазирлар Маҳкамасининг 2003—2007 йиллар даврида Қорақалпоғистон Республикасида қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши барқарор ривожлантирилишини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2002 йил 1 августдаги 276-сон қарорининг 5-бандидаги «Бизнес-фонд»га» сўзлари «Ўзтадбиркорбанк»ка сўзи билан алмаштирилсин.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасининг кадрлар потенциалини мустаҳкамлаш ва фаолиятини ташкил этишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 июлдаги 325-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 7-сон, 67-модда):

а) муқаддиманинг иккинчи хатбошидан ва 3-банднинг еттинчи хатбошидан «ва ўрта» сўзлари чиқариб ташлансин;

б) 2-илованинг «Кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси» блокадаги «ўрта бизнесни» сўзлари чиқариб ташлансин;

в) 3 ва 4-иловаларнинг «Кичик ва ўрта бизнесни, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш бўлими» блокларидаги «ўрта бизнесни» сўзлари чиқариб ташлансин.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Кичик тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-қувватлаш механизмини такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида» 2003 йил 24 декабрдаги 563-сон қарорида (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2003 й., 12-сон, 131-модда):

а) қарорга қуйидаги мазмундаги 4-банд қўшилсин:

«4. «Ўзтадбиркорбанк» Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 9 июлдаги 240-сон қарори талабларига мувофиқ маҳаллий хом ашёдан экспортга йўналтирилган маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш мақсадида тадбиркорларга лизинг асосида замонавий чет эл технология линиялари ва асбоб-ускуналари етказиб бериш йўли билан хусусий тадбиркорлик ва кичик бизнес лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш учун «Раанани-Холдинг» компанияси билан 50 млн. АҚШ доллари суммасидаги қўшма дастурнинг амалга оширилишини таъминласин»;

б) 4—8-бандлар тегишли равишда 5—9-бандлар деб ҳисоблансин.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ BAZИPЛAP MAХҚAMACИНИНГ ҚАРOPИ

128 «Ўзбеккино» Миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Кинематография соҳасида бошқаришни такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 16 мартдаги ПФ-3407-сон Фармониغا мувофиқ ҳамда кинематография соҳасидаги республика ва ҳудудий органлар фаолиятининг самарадорлигини таъминлаш, кино ва видео маҳсулотларини ишлаб чиқариш, кўпайтириш ҳамда намойиш этиш тизимининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қуйидагилар:

«Ўзбеккино» Миллий агентлигининг ташкилий тузилмаси, марказий аппарати тузилмаси ва ҳудудий бўлимларининг намунавий тузилмалари 1—3-иловаларга;

«Ўзбеккино» Миллий агентлигининг Низоми 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги марказий аппарати ходимларининг чекланган умумий сони 41 нафар, шу жумладан бошқарув ходимлари сони 22 нафар этиб белгилансин.

«Ўзбеккино» Миллий агентлигига Агентлик бош директорининг икки нафар ўринбосари, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосар ва шахсий таркиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланадиган етти кишидан иборат ҳайъат бўлишига рухсат берилсин.

Агентлик бош директорига марказий аппарат тузилмасига ходимларнинг белгиланган сони доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳуқуқ ва мажбуриятлар бўйича «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компаниясининг ҳуқуқий вориси ҳисоблансин.

«Ўзбеккино» Миллий агентлигига соҳа акциядорлик жамиятларидаги давлат акциялари пакетларини (улар белгиланган тартибда профессионал бошқарувчи компанияларга топширилгунга қадар) бошқариш ваколати берилсин.

4. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги:

мамлакатимизда яратилаётган бадий ва ҳужжатли кино-видеофильмларнинг маънавий ва бадий савиясини ошириш, миллий ҳамда умуминсоний кадриятлар ва талабларни акс эттириш мақсадида профессионал етук, талабчан мутахассислардан иборат Бадий кенгаш тузсин, унинг Низомини бир ой муддатда белгиланган тартибда тасдиқласин;

ҳудудий бўлимлар тўғрисидаги намунавий низомни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда «Ўзбеккино» давлат-акциядорлик компаниясини «Ўзбеккино» Миллий агентлиги этиб қайта ташкил қилиш билан боғлиқ бўлган ташкилий ва мулкый масалаларни бир ой муддатда ҳал қилсин.

5. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги учун 2005 йилдан бошлаб қуйидаги йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларининг истиқболли кўрсаткичлари белгилансин:

15 та тўла метражли бадий кинофильм яратиш;

40 қисмдан иборат 20 та ҳужжатли ва илмий-оммабоп, 10 та мультипликацион кинофильм ва 60 соатлик маънавий-маърифий, ўқув-услубий видеофильмлар ишлаб чиқариш;

ҳар бир яратилган бадий кинофильмдан дубль-негатив тайёрлаш ва вилоятларда кенг намойиш этиш учун 15 нусхадан, жаҳон бозорига чиқариш учун чет тиллардаги субтитрлар билан 2 нусхадан кўпайтириш.

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги «Ўзтелерадио» компанияси билан ҳамкорликда 2005 йилдан бошлаб қўшимча равишда ўз даромадлари ва хомийлик маблағларини жалб этган ҳолда, замондошларимиз ҳаёти, ижтимоий ва маърифий соҳаларда амалга оширилаётган туб ислохотлар тўғрисида хикоя қилувчи бадиий кино ва видеофильмлар, телесериаллар ишлаб чиқариш ва намойиш қилишни йўлга қўйсин.

6. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги Молия вазирлиги билан биргаликда:

2004 ва 2005 йилларда кино ишлаб чиқарувчи корхоналарнинг замонавий кинотехнологик жиҳозларга бўлган эҳтиёжларини бир ой муддатда асосланган ҳисобкитобини қилиб, зарур маблағларнинг миқдори ва молиялаштириш манбалари тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин;

йиллик ишлаб чиқариш ҳажмларини шакллантириш, молиялаштириш ҳамда ажратилган маблағлар мақсадли ва самарали сарфланишини назорат қилиш тартибини бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин.

«Ўзбеккино» Миллий агентлигига фильмлар ишлаб чиқариш учун ажратилган маблағлар доирасида сценарий муаллифларига қалам ҳақи ва ижодий гуруҳнинг бошқа аъзоларига мукофот миқдорини Молия вазирлиги билан келишган ҳолда белгилашга рухсат берилсин.

7. Республикадаги кинотеатрларнинг фаолияти ва мавжуд ҳолатини атрофлича ўрганиш мақсадида 5-иловага* мувофиқ Махсус комиссия тузилсин.

Махсус комиссия Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисининг, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосарлари, Давлат мулки қўмитаси ва «Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳудудий бўлимлари мутахассисларидан иборат ҳудудий ишчи гуруҳлар тузсин.

Ҳудудий ишчи гуруҳлар икки ой муддатда:

мулкчилик шаклларида қатъи назар, жойлардаги барча кинотеатрлардан мақсадли фойдаланилиши, уларнинг моддий-техника базасининг ҳолати ва асосий фаолият тури бўйича иш юритилишини инвентаризация қилсин;

мавжуд кинотеатрлардан самарали фойдаланиш, хусусий тадбиркорликни ривожлантириш негизида кинопрокат тизимини кенгайтириш ҳақидаги таклифларни Махсус комиссияга тақдим этсин.

Махсус комиссия бир ой муддатда кинотеатрлар тизимини ривожлантиришнинг аниқ йўналтирилган дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

«Ўзбеккино» Миллий агентлигининг марказий аппарати харажатларини республика бюджети, ҳудудий бўлимларни маблағ билан таъминлашни маҳаллий бюджетлар ҳисобидан амалга оширсин;

2004 ва 2005 йилларда давлат бюджетидан кинематография соҳасини замонавий кинотехнологик жиҳозлар билан таъминлаш учун зарур бўлган маблағлар ажратсин;

2005 йилдан бошлаб йиллик режалаштирилган кино ва видео маҳсулотларини ишлаб чиқариш учун республика бюджетидан белгиланган маблағларни ажратишни кўзда тутсин;

«Ўзбеккино» Миллий агентлиги марказий аппарати учун учта енгил автомобиль харажатларига лимит ажратсин.

9. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги марказий аппарати Тошкент шаҳар, Ўзбекистон кўчаси, 98-уйга жойлаштирилсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Респуб-

* 5-илова берилмайди.

ликасида ташқи савдо фаолиятини эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1998 йил 31 мартдаги 137-сон қарорига 6-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.


11. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбеккино» давлат-акционерлик компаниясини ташкил этиш ва унинг фаолияти масалалари тўғрисида» 1996 йил 12 июлдаги 247-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президентининг давлат маслаҳатчиси Х. Султонов ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А. Азизхўжаев зиммасига юклансин.


Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 17 март,
126-сон

«Ўзбеккино» Миллий агентлигининг ташкилий тузилмаси



«Ўзбеккино» Миллий агентлиги марказий аппаратининг тузилмаси




Жами: 41 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари 22 киши

«Қорақалпоқкино» агентлигининг тузилмаси



«Ўзбеккино» Миллий агентлиги ҳудудий бўлимларининг намунавий тузилмаси



Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 17 мартдаги 126-сон қарорига
4-ИЛОВА

«Ўзбекино» Миллий агентлигининг НИЗОМИ

I. Умумий қоидалар

1. «Ўзбекино» Миллий агентлиги (кейинги ўринларда агентлик деб юритилади) кино санъати, кино-видеофаолиятни амалга ошириш соҳаларидаги вазифаларни ҳал этишга ваколатли бўлган давлат бошқарув органи ҳисобланади.

Агентлик ўз фаолиятида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради.

2. Агентлик ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг қарорлари ва бошқа ҳужжатларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишларига, Ўзбекистон Республикасининг бошқа қонун ҳужжатларига ҳамда мазкур Низомга амал қилади.

3. Агентлик ўз фаолиятини давлат бошқарувининг бошқа органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат бирлашмалари ва бошқа ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширади.

4. Агентлик ва унинг ҳудудий бўлимлари фаолиятининг харажатлари республика бюджети ва маҳаллий бюджетларнинг агентлик ва унинг ҳудудий бўлимлари учун ажратилган маблағлар доирасида, шунингдек, қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа манбалар ҳисобига амалга оширилади.

5. Агентлик ва унинг ҳудудий тузилмалари юридик шахслар ҳисобланадилар, Ўзбекистон Республикаси Давлат герби тасвири туширилган ва ўз номи ёзилган муҳрга эга бўлади.

II. Агентликнинг вазифалари ва функциялари

6. Агентликнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

кино санъатининг миллий маданиятни ривожлантириш, жамият маънавий ҳаётини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини ҳисобга олган ҳолда, бу соҳани умумбашарий ва миллий кадриятлар уйғунлиги асосида тараққий эттиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш;

кино санъатида, кино-видеофаолият соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш; кинематография соҳасида фаолият кўрсатаётган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхона ва киностудияларни, ижодий жамоаларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, тадбиркорлик ва рақобат муҳитини ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

миллий кино санъатининг энг яхши анъаналарини изчил давом эттириш ва бойитиш мақсадида иқтидорли ёш кинематографчиларни тарбиялаш, уларнинг ижодий имкониятларини рўёбга чиқаришга кўмаклашиш;

Ўзбекистон Республикаси Давлат фильмлар фонди фаолиятини бугунги кун талаблари негизида ташкил этиш;

кинофильмлар яратиш ва уларни намойиш этиш тизимини танловлар ташкил этиш орқали такомиллаштириш ва қайта техник жиҳозлаш, аҳолига кино-видеохизмат кўрсатиш даражасини ошириш;

муаллифлик ҳуқуқлари ҳимояланган кино ва видео маҳсулотларини ноқонуний равишда республика ҳудудига олиб киришга, улардан фойдаланиш, ижарага бериш ва тарқатишга қарши зарур чоралар кўриш;

импорт ва экспорт қилинадиган кино ва видео маҳсулотларига эксперт баҳоси берилишини амалга ошириш, республика ҳудудида кино ва видеофильмлар кўрсатиш ва улардан техник жиҳатдан фойдаланишнинг қоидаларини белгилаш;

кинематография соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантириш, миллий кино маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш, хорижий кино ишлаб чиқарувчи ташкилот ва киноижодкорлар билан алоқаларни кенгайтириш, миллий кино санъатини халқаро кинофестивалларда намойиш этиш.

7. Агентлик ўзига юклатилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги функцияларни амалга оширади:

кино санъати, кино-видеофаолиятни амалга ошириш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлайди;

томошабинлар талабини ўрганади, замонавий жанр ва мавзуларда фильмлар яратишга қўмаклашади, миллий кино санъатининг юқори сифатга эга бўлиши ва халқаро майдонга чиқиши учун Ўзбекистон киноарбоблари бирлашмаси, ёзувчилар, рассомлар, бастакорлар, муҳандис-техник ходимлар, спортчилар, каскадерлар ва бошқа касб вакилларининг саъй-ҳаракатларини бирлаштиради;

ёш авлод онгида миллий ғоя ва миллий шуурни шакллантириш, замондошларимизнинг мамлакатда амалга ошириладиган сиёсий, илмий ва ижтимоий ислохотлардаги иштирокини акс эттирадиган асарлар яратишда иштирок этади;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасининг лицензиялаш соҳасидаги ишчи органи сифатида ўз вазифасини бажаради;

ривожланиб келаётган хусусий кино ва видеостудияларга зарур методик ва амалий ёрдам кўрсатади, уларнинг маҳсулотларини республика кино экранларида кенг намойиш этилишига қўмаклашади;

кинофильмлар ишлаб чиқариш ва уларни намойиш этиш тизимини такомиллаштириш чораларини кўради, бунда ижодий жамоалар, киноижодкорлар ва турли мулк шаклидаги киностудиялар ўртасида фильм яратиш бўйича танловлар (тендерлар) ташкил этади;

кино тизимига кирувчи корхоналарни моддий-техника базасини янгиланишига қўмаклашади, соҳани қайта техник жиҳозлаш дастурини ишлаб чиқади ва амалга оширади;

республика ҳудудида кино ва видеофильмлар кўрсатиш ва улардан техник жиҳатдан фойдаланишнинг қоидаларини белгилайди, хусусий прокат тизимини ривожлантиришга қўмаклашади;

Ўзбекистон киноарбоблари уюшмаси аппарати фаолиятини аъзолик бадаллари, турли ижодий учрашувлар ва тадбирлар ҳисобидан таъминлайди;

кинематография соҳаси учун кадрлар тайёрлайдиган таълим муассасалари билан доимий ҳамкорлик ўрнатади, уларнинг ўқув режалари, дастурлари ва мутахассисларни ўқитиш жараёнини такомиллаштириш бўйича таклифлар киритади, тизим ходимлари учун қисқа муддатли малака ошириш ўқишлари ва семинарлар ташкил этади;

мулкчилик шакли ва идоравий мансублигидан қатъи назар, кино-видеофаолияти билан шуғулланувчи корхоналар ва хусусий тадбиркорлар учун тенг шароитлар яратилишини, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилинишини ва хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашувга йўл қўйилмасликни таъминлайди;

кино ва видео маҳсулотларни ишлаб чиқариш, кўпайтириш, дубляж қилиш,

прокат ва намойиш этиш ҳамда сотишга оид стандартлаш бўйича техник-иқтисодий сиёсатни юритади;

кинофильмларни яратиш, намойиш этиш, агентлик корхоналарини моддий-техника базасини янгилаш учун ажратилган маблағларнинг мақсадли ва самарали сарфланишини таъминлайди;

кино-видео прокат тизимини ривожлантириш, яратилган фильмларни видео кассета ва бошқа турдаги манбаларга нусхасини кўчириб тарқатиш орқали агентлик корхоналарининг қўшимча маблағ манбаларини шакллантиришига кўмаклашади;

Давлат фильмлар фонди фаолиятини юритиш билан боғлиқ дастурларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

хорижий киностудия ва телеканалларнинг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бадий кино ва видеофильмларни суратга олиш бўйича мурожаатларини ўрганиб, тегишли таклиф ва тавсиялар беради;

кино санъати соҳасида халқаро ҳамкорликни ривожлантиради, миллий кино маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш учун халқаро киноанжуманлар ва кинофестивалларда фаол иштирок этади, хорижий кино ишлаб чиқарувчи ташкилот ва киноижодкорлар билан мунтазам алоқалар ўрнатади.

8. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бевосита, шунингдек, ўз ҳудудий тузилмалари ҳамда ўз тизимидаги ташкилотлар орқали ҳал қилади.

9. Агентлик қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа функцияларни ҳам бажаради.

III. Агентликнинг ҳуқуқлари ва масъулияти

10. Агентлик ўзига юкланган вазифалар ва функцияларни бажариш учун қуйидаги ҳуқуқларга эга:

қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда давлат бошқаруви ва бошқа органлар, муассасалар, ташкилотлар, мансабдор шахслардан уларнинг кино-видеофаолиятига доир зарур маълумотлар, ҳужжатлар ва материалларни сўраб олиш;

кино-видеофаолиятни амалга ошириш соҳасидаги қонун ҳужжатларининг бажарилишини белгиланган тартибда назорат қилиш;

кинематография соҳасига доир қонун ҳужжатларини такомиллаштириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритиш.

Агентлик Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

11. Агентлик ўз ваколатлари доирасида барча вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, жойлардаги давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар, муассасалар ва корхоналар учун бажариш лозим бўлган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қабул қилишга ҳақлидир.

Агентлик зарур ҳолларда бошқа вазирлик, давлат қўмиталари ва идоралар билан биргаликда қўшма қарорлар ва бошқа ҳужжатларни қабул қилишга ҳақлидир.

12. Агентлик ўзига юклатилган вазифаларнинг самарали бажарилиши учун жавобгардир.

IV. Агентлик фаолиятини ташкил этиш

13. Агентликни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод қилинадиган бош директор бошқаради.

Бош директорнинг икки нафар ўринбосари, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосари бўлади.

Бош директор ўз мақомига кўра вазирга, бош директорнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосари тегишли равишда вазирнинг биринчи ўринбосари ва ўринбосарига тенглаштирилади.

14. Бош директор:

Агентлик фаолиятига якка тартиб асосида умумий раҳбарликни амалга оширади ва агентликка юкланган вазифалар ва функцияларнинг бажарилиши учун шахсан жавоб беради;

Бош директор ўринбосарларининг ваколатларини белгилайди ва улар ўртасида вазифаларни тақсимлайди, агентлик тизимидаги бошқа мансабдор шахсларнинг ваколатларини ва масъуллик даражасини белгилайди;

агентлик тизими ходимлари томонидан бажарилиши лозим бўлган буйруқлар чиқаради ҳамда уларнинг ижросини назорат қилади;

белгиланган ходимлар чекланган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида агентлик марказий аппарати тузилмасига ўзгартишлар киритади, штатлар жадвалини, агентлик марказий аппарати ва унинг ҳудудий бўлимлари харажатлари сметасини тасдиқлайди;

белгиланган тартибда агентликнинг таркибий ва ҳудудий бўлимлари низомларини тасдиқлайди;

белгиланган тартибда агентлик марказий аппарати ходимларини, ҳудудий бўлим раҳбарларини лавозимига тайинлайди ва вазифасидан озод қилади.

Бош директор қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни амалга оширади.

15. Агентликда бош директор (Ҳайъат раиси), бош директор ўринбосарлари (лавозимига кўра) ва агентликнинг бошқа раҳбар ходимлари кирадиган 7 киши таркибидаги Ҳайъат тузилади.

Ҳайъатнинг шахсий таркиби бош директорнинг тавсиясига кўра Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланади.

Агентлик Ҳайъати ўзининг мунтазам ўтказиладиган мажлисларида агентлик фаолиятининг асосий масалаларини кўриб чиқади, агентликнинг таркибий ва ҳудудий бўлимлари ва бошқа ўзига қарашли органлар ва муассасалар раҳбарларининг ҳисоботини тинглайди, агентлик фаолиятига доир муҳим буйруқлар ва бошқа ҳужжатлар лойиҳаларини муҳокама қилади.

Ҳайъат унинг мажлисида аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этганда ваколатли ҳисобланади.

Кўриб чиқиладиган масалалар бўйича қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. Овоз бериш натижалари тенг бўлган ҳолатда, бош директорнинг овози ҳал этувчи ҳисобланади.

Ҳайъатда қабул қилинган ҳужжатлар Ҳайъат қарорлари билан тасдиқланади ҳамда бош директорнинг буйруқлари орқали амалга оширилади.

16. Агентликда доимо фаолият юритувчи профессионал етук, талабчан мутахассислардан иборат Бадий кенгаш тузилади ва унинг Низоми белгиланган тартибда тасдиқланади. Бадий кенгашнинг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:

мамлакатимизда яратилаётган бадий ва ҳужжатли кино-видеофильмлар маънавий ва бадий савиясини ошириш, миллий ҳамда умуминсоний қадриятлар ва талабларни акс эттириш;

импорт ва экспорт қилинадиган кино ва видео маҳсулотларига эксперт баҳоси берилишини таъминлаш.

17. Агентликнинг ҳудудий тузилмалари агентлик тарафидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан ўзаро келишилган ҳолда тасдиқланган низомлар асосида мустақил юридик шахс сифатида фаолият юритади.

Агентлик ҳудудий тузилмалари раҳбарлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан келишилган ҳолда, бош директор томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади.

V. Агентлик фаолиятининг ҳисоботи ва назорати

18. Агентлик ўз фаолиятида ҳисоботни белгиланган тартибда юритади.

19. Агентлик давлат бюджети ҳисобидан ажратилган бюджет маблағларининг унинг тизимига кирувчи корхоналар томонидан самарали ва мақсадли ишлатилиши бўйича назорат юритади ва ҳар чоракда Молия вазирлигига ҳисобот беради.

20. Агентлик молиявий фаолиятининг назорати ўрнатилган тартибда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Бош назорат-тафтиш бошқармаси ва унинг ҳудудий бўлимлари томонидан амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 17 мартдаги 126-сон қарорига
6-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг
«Ўзбекистон Республикасида ташқи савдо фаолиятини
эркинлаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»
1998 йил 31 мартдаги 137-сон қарорига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимча**

Қарорга 2-иловада:

1. 2-банддаги «Кино, видео ва» сўзлари чиқариб ташлансин.

2. Қуйидаги таҳрирда 8-банд билан тўлдирилсин:

«8. «Кино, видео маҳсулотларини импорти ва экспорти — «Ўзбеккино» Миллий агентлиги».

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI BAZIRLAR MAᖘKAMACIНИНГ ҚАРОРИ

129 Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикасида архив ишини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида» 2004 йил 3 февралдаги 49-сон қарорини бажариш юзасидан Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 1999 й., 10-сон, 62-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Министрлар Советининг «Республикада архив ишини бошқариш схемаси тўғрисида» 1988 йил 31 октябрдаги 389-сон қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2004 йил 18 март,
131-сон

Вазирлар Маҳкамасининг
2004 йил 18 мартдаги 131-сон қарорига
ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Архив иши бўйича меъёрий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 1999 йил 30 октябрдаги 482-сон қарорига киритилаётган ўзгартиришлар

1. 1-иловада:

а) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасига кўрсатмалар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигига кўрсатмалар билан алмаштирилсин;

б) 4-банддаги «Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Архив бошқармаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари архив бўлимлари томонидан» сўзлари «Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин;

в) 7-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошлари қуйидаги таҳрирда баён қилинсин:

«7. Ўзбекистон Республикаси давлат архивлари тўғрисидаги низомлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлиги томонидан тасдиқланади.

Қорақалпоғистон Республикаси Марказий давлат архиви (унинг филиаллари) ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат архивлари (уларнинг филиаллари) тўғрисидаги низомлар, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар архив иши ҳудудий бошқармалари томонидан тасдиқланади»;

г) 16-банднинг бешинчи хатбошидаги «Ўзбошархив» бошқармаси томонидан» сўзлари «Ўзархив» агентлиги томонидан» сўзлари билан алмаштирилсин.

2. 2-иловада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасига ҳамда «Ўзбошархив» бошқармасига кўрсатмалар тегишли равишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигига ҳамда «Ўзархив» агентлигига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

3. 4-иловада Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Бош архив бошқармасига кўрсатмалар, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Ўзархив» агентлигига кўрсатмалар билан алмаштирилсин.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ
БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ
БУЙРУҒИ

130 Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил 15 мартда 1323-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди

(2004 йил 25 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ умумий фойдаланишдаги телефон алоқаси тармоғи операторлари ва фойдаланувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш мақсадида, шунингдек, норматив ҳужжатнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидаги ҳуқуқий экспертизаси асосида **бюраман:**

1. Илова* қилинган «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари» тасдиқлансин.

2. Мазкур қоидалар Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилганидан 10 кун ўтгандан сўнг кучга кириши белгилаб қўйилсин.

3. «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари» кучга киритилган вақтдан бошлаб Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг 1997 йил 25 апрелдаги 154-сонли буйруғи билан тасдиқланган (1997 йил 15 майда 339-сон билан рўйхатга олинган) «Ўзбекистон Республикасида маҳаллий телефон алоқасидан фойдаланиш қоидалари» ва Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлигининг 1997 йил 25 апрелдаги 156-сонли буйруғи билан тасдиқланган (1997 йил 15 майда 340-сон билан рўйхатга олинган) «Шаҳарлараро ва халқаро телефон алоқасидан фойдаланиш қоидалари» ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

4. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг 2003 йил 16 сентябрдаги «Умумий фойдаланиш тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 260-сонли буйруғининг 1, 2 ва 3-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**Алоқа ва ахборотлаштириш агентлигининг
бош директори А. АРИПОВ**

Тошкент ш.,
2003 йил 19 декабрь,
359-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

131 **Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
15 мартда 1238-1-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 25 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2003 йил 7 мартдаги 43, 2003-37-сон қарор билан тасдиқланган Ишлаб чиқарилган ва сотилган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солигини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага (2003 йил 29 апрель, рўйхат рақами 1238-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 йил, 7, 8-сон) иловага* биноан ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 15 январь,
15-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Ж. САЙФИДДИНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 15 январь,
2004-12-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPУБЛИКАСИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

132 Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
15 мартда 1324-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 25 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 25 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг 2004 йилги Давлат бюджети параметрлари тўғрисида»ги 567-сон қарорининг ижросини таъминлаш юзасидан **қарор қиламиз:**

1. Илова* қилинаётган Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайтдан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киради.

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 13 январь,
11-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Ж. САЙФИДДИНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 13 январь,
2004-10-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ MOЛИЯ BAZИPЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ҚЎМИТАСИНИНГ
ҚАРОРИ

133 Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган
товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз
солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги
йўриқномани тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
15 мартда 1325-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 25 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси, Ўзбекистон Республикаси «Давлат солиқ хизмати тўғрисида»ги Қонуннинг 7-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси **қарор қиладилар:**

1. Илова* қилинаётган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги (янги тахрирда) йўриқнома тасдиқлансин.

2. Қуйидагилар ўз кучини йўқотган деб топилсин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат божхона қўмитаси томонидан 2002 йил 14 январдаги 11, 2002-14-сонли қарорлари билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқнома (2002 йил 11 март, рўйхат рақами 1106-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 5-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2002 йил 30 декабрдаги 11-1, 2002-90-сонли қарорлари билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (2003 йил 25 февраль, рўйхат рақами 1106-1-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 4-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2003 йил 30 майдаги 71, 2003-54-сонли қарорлари билан тасдиқланган «Тозаланган ўсимлик (пахта) ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ушбу маҳсулотга қўшимча икки фоизли акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва ушбу маблағларни «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасининг махсус ҳисобига ўтказиш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» (2003 йил 10 июнь, рўйхат рақами 1247-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 11-сон);

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Давлат солиқ қўмитаси томонидан 2003 йил 25 июндаги 74, 2003-57-сонли қарорлари билан тасдиқланган «Таркибида 30 фоиз ва ундан ортиқ спирт бўлган арок, коньяк (бренди) ва бошқа алкоголь маҳсулотлари, шунингдек таркибида 10 фоиздан 30 фоизгача спирт бўлган спиртли вино ҳамда бошқа узум, мева ва бошқа алкоғолли ичимликлар, таркибида 10 фоизгача спирт бўлган вино, шампан виноси ва кам қувватли ичимликлар ишлаб

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

чиқарувчи корхоналар томонидан ушбу маҳсулотларга қўшимча акциз солиғини ҳисоблаш ва кўрсатилган маблағларни «Ўзмеваабзавотузумсаноат-холдинг» ХКнинг махсус ҳисобига ўтказиш тўғрисида низом (2003 йил 1 август, рўйхат рақами 1261-сон — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2003 й., 15-сон).

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан кейин кучга кириди.

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 15 январь,
16-сон

Давлат солиқ қўмитаси раиси Ж. САЙФИДДИНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 15 январь,
2004-13-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИНING
ҚАРОРИ

134 Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
16 мартда 1326-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 26 мартдан кучга кириди)

Ўзбекистон Республикасининг «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунининг 19-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 25 февралдаги 86-сон «Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқишни тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви ва Давлат божхона қўмитаси **қарор қилади:**

1. «Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисида»ги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган санадан 10 кун ўтгач кучга киритилсин.

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

Марказий банк раиси **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 1 март,
249-В-сон

Давлат божхона қўмитаси раиси **Б. МАТЛЮБОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 1 март,
01-02/19-16-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

135 Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини жойлаштириш, муомалада бўлиши ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
16 мартда 1327-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 26 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 10 январдаги 11-сон «Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини чиқариш тўғрисида»ги қарорининг 4-банди ижросини бажариш юзасидан **қарор қиламиз:**

1. Давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини жойлаштириш, муомалада бўлиши ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низом иловага* мувофиқ тасдиқлансин.
2. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган кундан бошлаб ўн кун ўтгандан сўнг кучга киради.

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 24 январь,
26-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

Марказий банк Бошқаруви раиси **Ф. МУЛЛАЖОНОВ**

Тошкент ш.,
2004 йил 24 январь,
244-В

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ**136 Суғурталовчиларнинг активлари ва мажбуриятлари
тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
16 мартда 1328-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 26 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикаси «Суғурта фаолияти тўғрисида»ги Қонунининг 10-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июлдаги 286-сонли «Суғурта фаолиятини давлат томонидан тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 3-бандига асосан **буюраман:**

1. Илова* қилинган Суғурталовчиларнинг активлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кун ўтгач кучга киритилсин.

3. Мазкур буйруқ кучга кирган кундан бошлаб:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 11 майда 39-сон (1999 йил 4 сентябрь, рўйхат рақами 739-сон) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошираётган суғурта ташкилотларининг активларига доир мажбуриятларини меъерий нисбатлари тўғрисидаги низом;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 2 январдаги «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошираётган суғурта ташкилотларининг активларига доир мажбуриятларини меъерий нисбатлари тўғрисидаги низомига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги 1-сонли буйруғи (2002 йил 12 январь, рўйхат рақами 739-1-сон — Меъерий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 й., 1-2 сон) ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

Молия вазири М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 19 январь,
18-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилди.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACI ADLIЯ VAZIRINING
BUYRUGI**137** Нефть маҳсулотларини етказиб бериш, сотиш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомни давлат реестридан чиқариш ҳақида

(2004 йил 16 мартда давлат реестридан чиқарилди)

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2004 йил 1 мартдаги хулосасига мувофиқ Нефть маҳсулотларини етказиб бериш, сотиш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низомнинг амал қилиш муддати тугаганлиги муносабати билан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 9 октябрдаги 469-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар меъёрий ҳужжатларининг қонунийлигини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва 2000 йил 19 майдаги 197-сон «Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг меъёрий ҳужжатларини қабул қилиш тартибини такомиллаштириш тўғрисида»ги қарорига асосан **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2003 йил 26 сентябрда 1277-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган Нефть маҳсулотларини етказиб бериш, сотиш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисидаги низом давлат қўмиталари ва идоралари норматив-ҳуқуқий ҳужжатларининг давлат реестридан чиқарилсин ва бу ҳақда давлат реестрига тегишли ёзув киритилсин.

2. «Ўзбекнефтегаз» МХК ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур ҳужжат давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши лозимлиги маълумот учун қабул қилинсин.

3. Идоравий меъёрий ҳужжатларни давлат рўйхатидан ўтказиш бошқармаси (Р.М. Каримов) ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжат давлат реестридан чиқарилганлигини барча манфаатдор шахслар эътиборига етказиши устидан назоратни таъминласин.

4. Қонун ҳужжатларини туркумлаш ва ҳуқуқий ахборот бошқармаси (Б.М. Тойжонов) мазкур буйруқни «Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами» — «Собрание законодательства Республики Узбекистан»да нашр этишни таъминласин.

5. Мазкур буйруқнинг бажарилишини назорат қилиш вазир ўринбосари Х.М. Содиқов зиммасига юклатилсин.

Вазир А.А. ПОЛВОН-ЗОДА

Тошкент ш.,
2004 йил 16 март,
63-мх-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ**138** Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига қўшимчалар киритиш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2004 йил
16 мартда 773-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

(2004 йил 26 мартдан кучга киради)

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги Қонунининг 7 ва 51-моддаларига асосан Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 1999 йил 22 майдаги 10/4-сон қарори билан тасдиқланган (1999 йил 13 июль, рўйхат рақами 773-сон) «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига» иловага* мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

2. Бухгалтерия ҳисоби, ҳисоботи ва давлат бюджетининг касса ижроси департаменти (Д.А. Орипов) 10 кун муддатда киритилган қўшимчаларни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказиш учун тақдим этсин.

3. Мазкур қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган вақтдан бошлаб 10 кундан сўнг кучга киради.

4. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Марказий банк Раисининг биринчи ўринбосари М.Р. Жумагалдиев зиммасига юклатилсин.

Марказий банк Бошқаруви раиси Ф. МУЛЛАЖОНОВ

Тошкент ш.,
2004 йил 15 февраль,
3/8-сон

* Илова рус тилидаги матнда берилади.

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги маълум қилади:
вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг
умумий мажбурий тусдаги меъёрий ҳужжатларини давлат
рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2004 йил 13 мартдан 19 мартгача бўлган маълумот

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. «Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қондаларини тасдиқлаш тўғрисида» *Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директорининг 2003 йил 19 декабрдаги 359-сон буйруғи.*

2004 йил 15 мартда 1323-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 25 мартдан кучга киради).

2. «Ишлаб чиқариладиган ва сотиладиган товарлар (ишлар, хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 15 январдаги 15, 2004-12-сон қарори.*

2004 йил 15 мартда 1238-1-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 25 мартдан кучга киради).

3. «Самарқанд ва Тошкент вилоятларининг қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари томонидан ягона ер солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 13 январдаги 11, 2004-10-сон қарори.*

2004 йил 15 мартда 1324-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 25 мартдан кучга киради).

4. «Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқариладиган товарлар бўйича юридик шахслар томонидан акциз солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитасининг 2004 йил 15 январдаги 16, 2004-13-сон қарори (янги таҳрирда).*

2004 йил 15 мартда 1325-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 25 мартдан кучга киради).

5. «Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини олиб кириш ва олиб чиқиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви, Давлат божхона қўмитасининг 2004 йил 1 мартдаги 249-В, 01-02/19-16-сон қарори.*

2004 йил 16 мартда 1326-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 мартдан кучга киради).

6. «Ўзбекистон Республикасининг давлат ўрта муддатли пул мажбуриятларини жойлаштириш, муомалада бўлиши ва тўлаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 24 январдаги 26, 244-В-сон қарори.*

2004 йил 16 мартда 1327-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 мартдан кучга киради).

7. «Сугурталовчиларнинг активлари ва мажбуриятлари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2004 йил 19 январдаги 18-сон қарори.*

2004 йил 16 мартда 1328-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 мартдан кучга киради).

8. «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режасига қўшимчалар киритиш тўғрисида» *Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2004 йил 15 февралдаги 3/8-сон қарори.*

2004 йил 16 мартда 773-16-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2004 йил 26 мартдан кучга киради).

II. Давлат реестридан чиқарилди:

1. Ўзбекистон Республикасида маҳаллий телефон алоқасидан фойдаланиш қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан тасдиқланган (15.05.1997 й., рўйхат рақами 339).*

Адлия вазирининг 2004 йил 15 мартдаги 56-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

2. Умумий фойдаланиш телекоммуникация тармоғида телефон алоқаси хизматларини кўрсатиш қоидалари. *Ўзбекистон Республикаси Алоқа вазирлиги томонидан тасдиқланган (15.05.1997 й., рўйхат рақами 340).*

Адлия вазирининг 2004 йил 15 мартдаги 56-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

3. Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилган товарлар бўйича акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш тартиби тўғрисида йўриқномага 1-сонли ўзгартиришлар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (11.03.2002 й., рўйхат рақами 1106, 25.02.2003 й., рўйхат рақами 1106-1).*

Адлия вазирининг 2004 йил 15 мартдаги 59-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

4. Тозаланган ўсимлик (пахта) ёғи ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ушбу маҳсулотлар учун қўшимча икки фоизли акциз солиғини ҳисоблаб чиқариш ва бу маблағларни «Ёғмойтамакисаноат» уюшмасининг махсус ҳисоб рақамига ўтказиш тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (10.06.2003 й., рўйхат рақами 1247).*

Адлия вазирининг 2004 йил 15 мартдаги 59-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

5. Таркибида 30 фоиз ва ундан ортиқ спирт бўлган ароқ, коньяк (бренди) ва

бошқа алкоголь маҳсулотлари, шунингдек таркибида 10 фоиздан 30 фоизгача спирт бўлган спиртли вино ҳамда бошқа узум, мева ва бошқа алкогольли ичимликлар, таркибида 10 фоизгача спирт бўлган вино, шампан виноси ва кам қувватли ичимликлар ишлаб чиқарувчи корхоналар томонидан ушбу маҳсулотларга қўшимча акциз солиғини ҳисоблаш ва кўрсатилган маблағларни «Ўзмевасабзавотузумсаноат-холдинг» ХКнинг махсус ҳисобига ўтказиш тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси томонидан тасдиқланган (01.08.2003 й., рўйхат рақами 1261).*

Адлия вазирининг 2004 йил 15 мартдаги 59-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

6. Ўзбекистон Республикаси ҳудудда фаолиятини амалга ошираётган суғурта ташкилотлари активларининг мажбуриятларга меъёрий мувофиқлиги тўғрисида вақтинчалик низом ва 1-сонли ўзгартиришлар. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган (04.06.1999 й., рўйхат рақами 739, 12.01.2002 й., рўйхат рақами 739-1).*

Адлия вазирининг 2004 йил 16 мартдаги 62-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

7. Нефть маҳсулотларини етказиб бериш, сотиш ва ҳисоб-китоб қилиш тартиби тўғрисида низом. *Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, «Ўзбекнефтегаз» МХК томонидан тасдиқланган (26.09.2003 й., рўйхат рақами 1277).*

Адлия вазирининг 2004 йил 16 мартдаги 63-мҳ-сон буйруғи билан реестрдан чиқарилди.

Мазкур ҳужжатлар амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилиниши муносабати билан давлат реестрдан чиқарилди.

Кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Давлат солиқ қўмитасининг 2003 йил 15 январдаги 02-160/160, 2003-2-сонли қўшма хати.

Ушбу ҳужжат Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилмаган ҳамда амалдаги қонунчиликка зид ҳужжат сифатида кучини йўқотган деб эътироф этилди ва ижродан чақириб олинди.